



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Бухоро тумани

2022 йил 21 октябрь

4-2001-2205/2957-сонли иш

Бухоро туманлараро иқтисодий суди, судья А.Сафаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Сувоновнинг котиблигида, аризачи вакили Х.Жабборов (ишончнома асосида) иштирокида, аризачи Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекциясининг қарздор "Гули Райхонахон" оилавий корхонасини доимий тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топиш тўғрисидаги аризаси юзасидан қўзғатилган ишни ўз биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИ:

Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси (бундан буён матнда аризачи ёки ДСИ деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, "Гули Райхонахон" оилавий корхонаси (бундан буён матнда қарздор ёки жамият деб юритилади)ни доимий тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топишни сўраган.

Суднинг 2022 йил 8 ноябрдаги ажрими билан ишга Мажбурий ижро бюроси Бухоро шаҳар бўлими (бундан буён матнда МИБ деб юритилади) низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Суд мажлисида иштирок этган ДСИ вакили аризани қувватлаб, унда келтириб ўтилган асослар ҳамда важларни такрорлаб, судга ариза билан мурожаат қилинганидан сўнг жамият томонидан солиқ қарздорлиги тўлаб берилганлигини билдириб, аризани рад қилишни сўради.

Жавобгар ва МИБ суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлсада, вакил иштирокини таъминламади. Шу сабабли суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 128, 170-моддаларини қўллаб, ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд, даъвогарнинг тушунтиришларини тинглаб, иш хужжатларини ўрганиб чиқиб, куйидагиларга асосан аризани қаноатлантиришни рад қилишни лозим топади.

"Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади)нинг 5-моддасига кўра, тўловга қобилиятсизлик аломатлари куйидагилардан иборат:

вақтинча тўловга қобилиятсизлик — агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга кодир эмаслиги;

доимий тўловга қобилиятсизлик — агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи



чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиладиганда, жисмоний шахслар, шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда қўлланилмайди.

Қонун 6-моддасининг биринчи қисмига биноан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш суд томонидан кўриб чиқилади.

Қонун 37-моддасининг биринчи қисмида тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш ушбу Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлганда суд томонидан қўзғатилиши мумкинлиги, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустаснолиги белгиланган.

Аризада баён этилишича, **жамият 2015 йил 11 майда** тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда **303331607 СТИР** рақами берилган. Қарздорнинг юридик манзили Бухоро **шаҳар О.Хўжаев кўчаси 22-уй бўлиб, унинг раҳбари ва таъсисчиси Ачилов Хикмат Ибодуллаевич** ҳисобланади. Қарздорнинг **2022 йил 1 ноябрь ҳолатида** бюджет ва давлат мақсадли жамғармалардан жами **7.521.315,56 сўмлик солиқ** қарзи мавжуд.

Қарздорнинг солиқ ва йиғимлардан бўлган солиқ қарзларини ундиришда қарздор раҳбари томонидан ҳеч қандай чоралар кўрилмаган, натижада қарздорнинг солиқ қарзини унинг мол-мулки ҳисобидан ундириш юзасидан ДСИнинг қарорлари чиқарилган.

ДСИнинг қарорлари ижро қилиш учун МИБга юборилган. МИБ томонидан ижро ҳужжатларига асосан ижро иши юритилган ва ижро ҳаракатлари олиб борилиб, қарздорнинг ундирув қаратиш мумкин бўлган мол-мулклари аниқланмаганлиги сабабли ижро ҳужжатлари “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 40-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан ДСИга қайтарилган.

Қарздор солиқ ва йиғимлар бўйича мажбуриятини бажармаганлиги, мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли аризачи қарздорни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топишни сўраб, судга ариза билан мурожаат қилган.

Бироқ, судга ариза билан мурожаат қилинганидан сўнг жавобгар томонидан **7.521.315,56 сўмлик солиқ қарзи** тўлиқ тўлаб берилган. Ушбу ҳолат ДСИнинг 2022 йил 21 ноябрдаги солиштирма акти мавжуд ва суд муҳокамасидаги даъвогарнинг тушунтиришлари билан тасдиқланади.

Қонуннинг 55-моддасига кўра, суднинг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланмаганда;

суд тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилгунига қадар кредиторларнинг билдирилган талаблари қаноатлантирилганда;

сохта тўловга қобилиятсизлик аниқланганда.

Суднинг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қабул қилиниши мумкин.

Қарздорда етарли ҳажмда ликвид мол-мулк мавжудлигидан далолат берувчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда суд қарздорнинг илтимосномасига кўра тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни кўришни кейинга қолдиришга, қарздорга кредиторларнинг талабларини суд томонидан белгиланган муддатда қаноатлантиришни таклиф этишга ҳақли, бу муддат ўттиз кундан ошмаслиги керак.



Мазкур ҳолатда суд, қарздор томонидан кредиторларнинг билдирилган талаблари қаноатлантирилганлиги сабабли тўловга қобилиятсизлик аломатлари йўқ деб ҳисоблайди ва аризани қаноатлантиришни рад қилишни лозим топади.

Қонун 51-моддасининг иккинчи қисмига кўра, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, дарҳол ижро этилиши лозим. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатининг кўчирма нусхаси суд томонидан дарҳол қарздорнинг турган жойидаги (яшаш жойидаги) давлат ижрочисига юборилади.

ИПК 118-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади. Даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади. Даъвогарнинг талаблари у судга мурожаат қилганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қаноатлантирилса, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг миқдорларига асосан ташкилотлар ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдоридан давлат божи ундирилади.

Суд, арз қилинган талаб судга ариза билан мурожаат қилинганидан сўнг бартараф этилганлигини инобатга олиб, суд харажатларини қарздор зиммасига юклашни, ундан аризачи фойдасига олдиндан тўланган 24.000 сўм почта харажати, Республика бюджети ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 900.000 сўм давлат божи ундиришни лозим топади.

Юқорида баён этилганларга кўра ҳамда ИПКнинг 118, 128, 170, 176-179 ва 186-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекциясининг "Тули Райхонахон" оилавий корхонасини доимий тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад қилинсин.

"Тули Райхонахон" оилавий корхонасидан аризачи Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси фойдасига олдиндан тўланган 24.000 сўм почта харажати ундирилсин.

"Тули Райхонахон" оилавий корхонасидан Республика бюджети ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 900.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори дарҳол ижрога қаратилсин.

Ҳал қилув қарори устидан шу суд орқали Бухоро вилоят судига ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

А.Сафаров

